Пограничный, таможенный и при необходимости другие виды контроля лиц, грузов, товаров, транспортных средств, животных и иного имущества (далее именуемые — контроль) осуществляется в пунктах пропуска в соответствии с национальными законодательствами Сторон и международными договорами, участниками которых они являются.

При необходимости Стороны создают условия для совместного контроля. Порядок организации и осуществления совместного контроля будет определяться отдельными договоренностями между пограничными и таможенными ведомствами государств Сторон.

### **Статья 5**

Для обеспечения надлежащей деятельности пунктов пропуска каждая из Сторон создает на территории своего государства необходимую инфраструктуру.

В случае если предусмотрена возможность проведения в пункте пропуска совместного контроля, проектирование и строительство пунктов пропуска осуществляется по взаимному согласию.

### **Статья 6**

Открытие новых, закрытие существующих пунктов пропуска (в том числе пунктов упрощенного пропуска) или изменение их статуса и режима работы согласовываются Сторонами по дипломатическим каналам и оформляется протоколами, которые будут являться неотъемлемыми частями настоящего Соглашения.

Компетентными органами Сторон по выполнению положений настоящего Соглашения являются:

от Республики Узбекистан — Комитет по охране Государственной границы Службы национальной безопасности Республики Узбекистан и Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан;

от Кыргызской Республики — Пограничная служба Кыргызской Республики и Департамент таможенной службы Комитета по доходам при Министерстве финансов Кыргызской Республики.

### **Статья 7**

Временное ограничение или прекращение движения через пункты пропуска на отдельных участках узбекско-кыргызской государственной границы может быть

осуществлено в интересах национальной безопасности государств Сторон, а также по санитарно-карантинным причинам, вследствие стихийных бедствий, при эпидемиях и эпизоотиях.

Сторона, которая вводит такие временные ограничения, уведомляет другую Сторону по дипломатическим каналам не позднее, чем за 5 суток до планируемого времени их введения, с указанием причин и сроков действия ограничений.

Стороны будут информировать друг друга об ограничении или прекращении движения через узбекско-кыргызскую государственную границу в связи с плановым ремонтом объектов пунктов пропуска или коммуникационных сооружений не позднее, чем за три месяца до начала таких работ с уведомлением о дате их завершения.

### **Статья 8**

В исключительных случаях (стихийные бедствия, эпидемии, эпизоотии, аварии,— оказание неотложной медицинской помощи и т. п.), пограничные и таможенные ведомства государств Сторон по взаимной договоренности могут осуществлять пропуск лиц, грузов, товаров, транспортных средств, животных и иного имущества через государственную границу вне действующих пунктов пропуска с соблюдением установленного порядка контроля.

### **Статья 9**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон по другим международным договорам, участниками которых они являются.

### **Статья 10**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью и вступающими в силу в соответствии со статьей 12 настоящего Соглашения.

### **Статья 11**

В случае возникновения споров и разногласий по применению и толкованию положений настоящего Соглашения Стороны решат их путем проведения переговоров и консультаций.

### **Статья 12**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение действует в течение 5 лет и будет автоматически продлеваться каждый раз на следующие пять лет, если ни одна из Сторон письменно не уведомит другую Сторону о своем желании прекратить его действие за 6 месяцев до истечения очередного пятилетнего срока.

Совершено в городе Бишкеке 24 июля 2004 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, кыргызском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Соглашения используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар,  
ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида  
стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида  
ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ\***

*Сингапур, 2007 йил 25 январь*

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши (бундан кейин биргаликда «Томонлар» ва алоҳида ҳолда «Томон» деб аталувчилар);

савдо ҳамда саноатдаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзлаб;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни таъминлашнинг муҳимлигини англаб;

икки мамлакатнинг қонун-қоидалари доирасида икки мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини оширишга интилиб;

**қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар, мазкур Битим ва ўз давлатлари қонун-қоидалари, стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида қуйидагиларни қамраб олган қўшимча битим, баённома ва дастурлардан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб олдилар:

(а) илмий ва техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш учун миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

(б) давлатлараро таъминланадиган маҳсулотларнинг меъёрий ҳужжатларини уйғунлаштириш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш;

(с) физик катталиқлар учун миллий ва ишчи эталонларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва солиштириш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш.

---

\* имзоланган кундан кучга кирган.

## 2-модда

Томонлар қуйидагиларни алмашишга келишдилар:

- (a) стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида меъёрий ҳужжатлар, ахборотлар ва даврий нашрларни,
- (b) миллий стандартларни тайёрлаш учун миллий стандартлар, нормалар ва процедуралари каталогларини,
- (c) аккредитациялаш бўйича умумий ахборот ва нашрларни,
- (d) стандартлаштириш ва метрология соҳасида мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича маълумот ҳамда материалларни.

## 3-модда

Томонлар халқаро нормалар (стандартлар) ва қоидаларга асосланган ҳолда мувофиқликни баҳолашда аккредитация тизимини такомиллаштиришга қўмаклашадилар.

Томонлар мувофиқликни баҳолаш (аккредитация) доирасида ўтказиладиган илмий анжуманлар, семинарлар ва амалий тренингларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

## 4-модда

Томонлар маҳсулотни рўйхатга олиш борасида доимий равишда ҳамкорликни юритишга келишдилар. Айнан шу мақсадда Томонлар тарафидан ўзаро тан олинган процедураларга асосан уларнинг мамлакатларида амал қилаётган, мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тўғрисида бир-бирларини ўз вақтида хабардор қиладилар.

## 5-модда

(1) Томонлар, мазкур Битим доирасида олиб борилган иш фаолиятида қабул қилиб олинган ҳужжат ва тегишли маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар;

(2) Томонлар эришилган илмий-техникавий натижаларнинг махфийлигини таъминлайдилар, агар бошқа Томон ёзма равишда хабардор қилинган бўлса;

(3) Ҳамкорлик давомида Томонлардан бири олган илмий-техникавий ахборот учинчи томонга фақат ушбу ахборот берган Томоннинг ёзма равишдаги розилиги билангина берилиши мумкин.

## 6-модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва аккредитация бўйича турли халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қиладилар, Томонлардан бири иккинчи Томон аъзо ҳисобланадиган халқаро ташкилотларда қатнашиш ёки уларга аъзо бўлишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

## 7-модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳаларида ўзларининг имкониятларини мувофиқлаштириш ва иккала Томоннинг халқаро фаолиятдаги мавқеини ошириш мақсадида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар доирасида узвий ҳамкорлик қиладилар.

**8-модда**

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳаларида тажриба алмашиш мақсадида мутахассисларга маслаҳат бериш ва ўқитиш бўйича делегациялар, мутахассислар алмашинувини ташкил қиладилар.

**9-модда**

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келган келишмовчиликлар ўзаро Томонларнинг маслаҳатлашувлари ва музокаралари орқали ҳал қилинади.

**10-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин, бунда баённомалар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланиши керак.

**11-модда**

Мазкур Битим Томонлар учинчи мамлакатлар билан стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳаларида имзоланган битимларга таъсир қилмаслиги лозим.

**12-модда**

Мазкур Битимнинг талабларини бажарилишининг молиявий шартлари Томонларнинг ўзаро келишувида амалга оширилиши керак.

**13-модда**

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Томонлар мазкур Битимни амал қилишини бошқа томонга ёзма равишда хабардор қилиб тўхтатиши мумкин. Мазкур Битим бошқа Томондан юқорида келтирилган хабарни олган кундан кейин 3 ойдан сўнг кучини йўқотади.

Сингапур шаҳрида 2007 йил 25 январда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча тилдаги матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур  
Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида  
БИТИМ\***

*Сингапур, 2007 йил 25 январь*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Сингапур Республикаси Ҳукумати (бундан буён «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар), 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг қатнашчилари бўлгани ҳолда, ўз ҳудудлари ва ташқари ҳудудлар ўртасида ҳаво қатновларини ўрнатиш мақсадида юқорида кўрсатилган Конвенцияга қўшимча равишда Битим тузиш истагида,

**қуйидагилар хусусида ахдлашиб олдилар:**

**1-модда  
Атамалар**

1. Ушбу Битимнинг мақсадлари йўлида, агар матн бошқа изоҳ талаб қилмаса, қуйида келтирилган атамалар шундай маъноларни англатади:

а) «Конвенция» атамаси 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва Ахдлашувчи Томонлар учун қай даражада кучга кирганига қараб, Конвенциянинг 90-моддасига биноан қабул қилинган Иловаларни, шунингдек, Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига биноан Конвенцияга ёки унинг Иловаларига киритилган ҳар бир тузатишни ўз ичига олади;

б) «авиация маъмуриятлари» атамаси — Ўзбекистон Республикасига нисбатан — Парвозлар хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат нозирлиги бошлигини, Сингапур Республикасига нисбатан — Транспорт вазири Сингапур Авиация маъмуриятини англатади ёки ҳар иккала ҳолда юқорида қайд этилган маъмуриятлар томонидан ҳозирги вақтда бажарилаётган вазифаларни амалга ошириш ваколати берилган шахс ёки ташкилотни англатади;

с) «тайинланган авиакорхона» атамаси — бир Ахдлашувчи Томон ушбу Битимнинг 3-моддасига биноан тайинлаган ва ваколат берган авиакорхона ёки авиакорхоналарни англатади;

д) «ҳудуд» атамаси давлатга нисбатан Конвенциянинг 2-моддасида мазкур атама учун кўрсатилган маънони англатади;

е) «ҳаво қатнови», «халқаро ҳаво қатнови», «авиакорхона» ва «нотижорий мақсадларда тўхташ» атамалари Конвенциянинг 96-моддасида мазкур атамалар учун кўрсатилган маъноларни англатади;

ф) «Ушбу Битимнинг Иловаси» атамаси мазкур Битимга илова қилинган ёки мазкур Битимнинг 18-моддасига асосан ўзгартирилган «Йўналишлар жадвалини» англатади. «Ушбу Битимнинг Иловаси» унинг ажралмас қисмини ташкил қилади ва бошқа махсус келишув бўлмаса, ушбу Битимга мурожаат этилган барча ҳолларда Илова ҳам назарда тутилади;

г) «тариф» атамаси ҳаво қатновларида йўловчилар, уларнинг юки ва/ёки юкларни (почтадан ташқари) ташиш учун авиакорхоналар, уларнинг агентлари томонидан олинадиган ҳар қандай ҳақ ва тўловларни ҳамда ҳар қандай бу сингари ҳақ ва тўловларнинг қонунийлигини тартибга солувчи қоидаларни англатади;

---

\* Имзоланган кундан кучга кирган.



h) «йиғимлар» атамаси ҳаво кемаси, экипаж аъзолари, йўловчилар ва юкларга тегишли хизматлар ва жиҳозларни ўз ичига олган ҳолда аэропорт, аэронавигация ёки авиация хавфсизлиги жиҳозлари ва хизматларидан фойдаланиш учун авиакорхоналарга ваколатли органлар томонидан ёки улар рухсати олиниб тўланадиган тўловларни англатади.

## 2-модда

### Ҳаво қатнови ҳуқуқлари ва имтиёзлар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга ушбу Битимнинг Иловасидаги Йўналишлар жадвалида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновларини амалга ошириш мақсадида ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни беради (бундан буён матнда «келишилган қатновлар» ва «белгиланган йўналишлар» деб аталади).

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг қоидаларига асосан бошқа Аҳдлашувчи Томонга бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналари томонидан амалга ошириладиган халқаро ҳаво қатновларига тегишли қўйидаги ҳуқуқларни беради:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан кўнмасдан учиб ўтиш ҳуқуқи;

б) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида нотижорий мақсадларда тўхташ ҳуқуқи; ва

с) Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудлари оралиғида қатнаётган йўловчилар, юк ёки почтани алоҳида ёки биргаликда олиш ва (ёки) тушириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида ушбу Битимга илова қилинган «Йўналишлар жадвалида» кўрсатилган манзил ёки манзилларда тўхташ.

3. Ушбу Аҳдлашувчи модданинг 2-бандидаги ҳеч қайси қоида бир Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ҳақ эвазига ёки ёлланиш йўли билан бошқа Томон давлати ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи манзилга борувчи йўловчилар, ва юкни ҳаво кемасига олиш ҳуқуқини беради, деб қаралмайди.

## 3-модда

### Парвозлар учун рухсатнома

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида авиакорхона(лар)ни тайинлаш ва бу тайинлашни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бу каби тайинлашлар, бекор қилишлар ёки ўзгартиришлар ёзма равишда амалга оширилиши ва бошқа Аҳдлашувчи Томон дипломатик каналлар орқали хабардор қилиниши лозим.

2. Бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани ва тайинланган авиакорхонадан парвозларга рухсат олишда белгиланган шакл ва услубдаги аризани олганидан сўнг ушбу модданинг 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонага парвозлар учун дархол тегишли рухсатномаларни беради.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Томон тайинланган авиакорхонадан халқаро тижорат ҳаво қатновларини амалга оширишга тегишли улар томонидан Конвенция қоидаларига мувофиқ одатда ва оқилона қўлланиладиган қонунлар ва қоидалардан келиб чиққан шартларни бажаришга қодир эканлигини талаб қилишга ҳақлидир.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири тайинланган авиакорхонани эътироф этишни рад этиш ҳамда шу тайинланган авиакорхонага ушбу Битимнинг 2-моддаси 2-бандида кўрсатилган парвозларни бажаришга рухсатнома беришни рад этиш, ёки эслатиб ўтилган томон ушбу авиакорхона устидан устун эгалик ва ҳақиқий назорат

рат қилиш шу авиакорxonани тайинлаган Ахдлашувчи Томонга ёки шу авиакорxonани тайинлаган унинг фуқароларига тегишли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ёки авиакорxonани тайинлаган Ахдлашувчи Томон ушбу Битимнинг 12 ёки 13-моддаларида кўрсатилган шартларни бажармаган ҳар қандай ҳолда тайинланган авиакорxона томонидан ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда зарур деб ҳисобланган шу каби шартларнинг бажарилишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Мазкур модданинг 1, 2, ва 3-бандлари шартлари бажарилгандан сўнг тайинланган ва ваколатга эга бўлган авиакорxона келишилган йўналишлардан фойдаланишни исталган вақтда бошлаши мумкин.

6. Ҳар бир Ахдлашувчи Томон авиакорxonанинг мазкур Битимнинг 2-моддаси 2-бандида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишини вақтинча тўхтатиб қўйиши ёки агар авиакорxона томонидан ушбу ҳуқуқларни берувчи Ахдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига ёки мазкур Битимда кўрсатиб ўтилган келишилган қатновларни бажариш шартларига риоя қилинмаган ҳар қандай ҳолатда тайинланган авиакорxonанинг ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишида ўзи зарур деб топган шартларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда ушбу шартларни бажаришни дарҳол тўхтатиш ёки талаб қилиш қонун ва қоидаларнинг келгусида бузилишини олдини олиш учун зарур бўлмаса, ушбу ҳуқуқдан фақат бошқа Ахдлашувчи Томон билан маслаҳатлашувлардан сўнг фойдаланиш мумкин бўлади.

#### 4-модда

#### Тўловлар ва солиқлардан озод қилиш

1. Ахдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорxonаси томонидан келишилган халқаро ҳаво қатновида фойдаланилаётган ҳаво кемалари, шунингдек уларнинг рўйхатдаги мол-мулки, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи захираси, мойлаш хом ашёлари ҳамда бундай ҳаво кемалари саҳнидаги саҳн захиралари (оziқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотларини ўз ичига олган ҳолда) бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудига киргач барча божхона божлари, назорат солиқлари ҳамда бошқа йиғимлар ва солиқлардан бу мулк, хом ашёлар ва захиралар улар қайтариб олиб чиқилгунига ёки ушбу ҳудуд устидан парвоз мобайнида ишлатилгунига қадар ҳаво кемаси саҳнида сақланиб қолиши шарти билан озод этилади.

2. Бир Ахдлашувчи Томон тайинланган авиакорxonаси томонидан ёки унинг номидан бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудига киритилган ёки ушбу тайинланган авиакорxона саҳнига олинган ва фақатгина халқаро ҳаво қатновларидан фойдаланишда қўллаш учун кўзланган ёнилғи захиралари, мойлаш хом ашёлари, эҳтиёт қисмлар, рўйхатдаги мол-мулк ҳамда саҳн захиралари ҳаттоки ушбу захиралар йўналишининг улар саҳнига олинган биринчи Ахдлашувчи Томон ҳудуди доирасидаги қисмида ишлатилса ҳам иккинчи Ахдлашувчи Томон ҳудудида қабул қилинган божхона божлари ва нозирлик тўловлари билан бирга барча миллий солиқ ва йиғимлардан озод этилади. Юқорида кўрсатилган ашёлар талаб қилиниши бўйича божхона кузатуви ва назорати остига олиниши талаб қилиниши мумкин.

3. Ҳар бир Ахдлашувчи Томоннинг ҳаво кемаси саҳнида турган доимий фойдаланиладиган ҳаво кемаси жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар, саҳн мулки ҳамда ёнилғи захиралари ва мойлаш хом ашёлари улар орқага қайтариб олингунга ёки божхона қоидаларига мувофиқ бошқа мақсадларда ишлатилгунга қадар бошқа Ахдлашувчи Томоннинг ҳудудида мазкур Ахдлашувчи Томон божхона органларининг назорати остида жойлаштирилиши учун юқорида қайд этилган органларнинг рухсати билангина туширилиши мумкин.

4. Бир Ахдлашувчи Томон ҳаво кемаси тарафидан иккинчи Томон ҳудудида

сахнга олинган ва фақат иккинчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги икки манзил ўртасидаги парвоз давомида фойдаланиладиган ёнилғи, мойлаш хом ашёлари, эҳтиёт қисмлар, доимий фойдаланиладиган ҳаво кемаси жиҳозлари ва сахн захираларига иккинчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида божхона божлари, нозирлик солиқлари ва бошқа шу каби миллий ва маҳаллий солиқлар борасида ушбу Аҳдлашувчи Томон миллий авиакорхонасига нисбатан кам бўлмаган имтиёзлар қўлланилади.

5. Тўғри транзитдаги йўловчилар юки ва юклар божхона божлари билан бирга барча тўлов ва солиқлардан озод этилади.

#### **5-модда** **Тижорат фаолияти**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амал қилувчи қонун ва қоидаларга асосланган ҳолда бир Аҳдлашувчи Томоннинг 3-моддага мувофиқ тайинлаган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган ҳаво қатновларини амалга ошириш учун зарур техник, маъмурий ва тижорат ходимлари билан таъминлаш ҳамда ўз ваколатхоналарини очиш ва фаолиятини юргизиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси авиаташувларни шу мамлакатнинг валютасида ва (ёки) эркин муомаладаги бошқа мамлакат валютасида сотиш ҳуқуқига эга ва агарда бу авиаташувларни сотиш Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширилса ҳамда ушбу Аҳдлашувчи Томон валюта алмашувини тартибга солувчи қонун ва қоидалари бу сотувларни маҳаллий валютада амалга оширилишини талаб қилса, ҳар қандай шахс бу ташувларни ўша авиакорхона қабул қилган валютада эркин харид қилиш ҳуқуқига эга.

#### **6-модда** **Код-шер (ўриндиқларни ўзаро тақсимлаш)**

Ҳар бир тайинланган авиакорхона рақобатни тартибга солувчи қонун ва қоидаларга асосан ҳар қандай авиакорхона(лар) билан «Код-шер» (ўриндиқларни ўзаро тақсимлаш) битимини имзолаши мумкин, агарда:

а) шу каби тақсимлашлар қўлланиладиган ташувларнинг қисми бўлмиш ҳар бир қатнов шу қатновни бажаришга ҳуқуқ берилган авиакорхона томонидан амалга оширилса;

б) бир мамлакатнинг авиакорхонаси томонидан бошқа мамлакат ҳудудидаги манзил ва учинчи мамлакатдаги манзил ўртасида ёки бошқа мамлакатнинг икки манзили ўртасида, агарда ушбу авиакорхона шу икки манзиллар ўртасида маҳаллий ташувларни бажаришига ҳали рухсат олмаган бўлса, ҳеч қандай қатновлар таклиф қилинмаса; ва

с) ҳар бир чипта сотилганида харидор сотув жойида қатновнинг қайси бир қисмини қайси авиакорхона амалга ошириши тўғрисида хабардор қилинса.

#### **7-модда** **Учиб келиш ва учиб кетиш тўғрисидаги қонун ва қоидалар**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон халқаро қатновларни амалга ошираётган ҳаво кемалари ўз ҳудудига учиб келиши ва у ердан учиб кетишини тартибга солувчи, ёки бу ҳаво кемаларнинг ушбу ҳудуд доирасидаги парвозларига тегишли қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига нисбатан қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ўз давлат ҳудудига йўловчилар, экипаж аъзола-

ри, йўловчилар юки, юк ва почтанинг кириб келиши, у ерда бўлиши ҳамда у ердан жўнатилишини тартибга солувчи давлат қонун ва қоидалари, ҳамда кириш-чиқиш, эмиграция ва иммиграция, божхона ва санитар назоратига оид расмийчиликлар бошқа Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемаларида ташилайтган йўловчилар, экипаж аъзолари, юк ва почтага нисбатан биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлиши чоғида қўлланилади.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудидан тўғри транзит бўйича ўтувчи, аэропортнинг ушбу ташувлар учун белгиланган зонасини тарк этмаган йўловчилар, йўловчилар юки ва юкларга нисбатан энг енгиллаштирилган назорат қўлланилади.

4. Ҳеч бир Томон мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган қонун ва қоидаларни қўллашда ўзининг авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига нисбатан устуворлик яратмайди.

### **8-модда**

#### **Ҳажм шартлари**

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бозорнинг тижорат маълумотлари асосида ҳар бир тайинланган авиакорхонага қатновларнинг сони ва ҳажмини белгилашга рухсат беради.

2. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасининг ташувлари ҳажми, қатновларининг сони ва мунтазамлиги, фойдаланаётган ҳаво кемалари турини, агарда бу Конвенциянинг 15-моддасига биноан божхона, техник, парвозларни амалга ошириш, экология сабабларига кўра талаб этилмаса, чегаралай олмайди.

3. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан дастлабки рад этиш ҳақида ахборот, юкланишнинг ўсиши ҳақида маълумот, розилик бериш учун йиғимларни ёки қатновларнинг ҳажми, сони ва ташувларга тегишли мазкур Битимнинг мақсадларига қарши бўлган бошқа талабларни сўрамайди.

### **9-модда**

#### **Тарифлар**

1. Ҳар бир шартлашилган қатновлардаги тарифлар парвозларни амалга ошириш харажатлари, оқилона фойда, хизматлар ҳақидаги тавсифлар (тезлик ва қулайликлар) ҳамда белгиланган йўналишнинг хоҳлаган бир қисми учун бошқа авиакорхоналарнинг тарифларини ўз ичига олган ҳолда барча тегишли омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона даражада белгиланади. Бу тарифлар мазкур модданинг қуйидаги низомларига мувофиқ белгиланади.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган тарифлар ва бирга қўлланиладиган агентлик комисион ҳақлари, иложи борича ҳар бир белгиланган йўналишлар бўйича тайинланган авиакорхоналар ўртасида шу йўналиш ёки унинг бир қисмини амалга ошираётган бошқа авиакорхоналар билан маслаҳатлашувларда келишиб олиниши лозим ва бу каби келишувга имконияти бўлган жойда ИАТАнинг тарифларни белгилаш услубидан фойдаланиш йўли билан эришилади.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудудлари ўртасидаги ташувлар учун олинадиган таклиф қилинган ҳар бир тариф авиакорхона тарафидан ёки номидан ҳар ушбу тарифни кучга киритиш мўлжалланган санадан энг камида 30 кун олдин (ёки ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларининг ўзаро келишуви бўйича

белгиланиши мумкин бўлган қисқа муддат ичида) иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятларига тақдим этилади.

4. Ушбу услубда тақдим этилган тариф авиация маъмуриятлари томонидан исталган вақтда тасдиқланиши мумкин. Лекин кейинги иккита бандга кўра исталган тариф агар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари тариф олинган кундан бошлаб 20 кун ичида бир-бирини таклиф этилган тарифларга ўзларининг норозилиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилмасалар ушбу тариф тақдим этилган кундан бошлаб 21-кун тасдиқланган деб ҳисобланади.

5. 4-бандда кўрсатилганлардан ҳеч бири Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмуриятларига ўзининг тайинланган авиакорхонаси томонидан тақдим этилган ҳар қандай тарифни бир томонлама рад этишга қаршилиқ кўрсатмайди. Лекин бу каби ҳаракат агарда ушбу авиация маъмуриятлари таклиф этилган тарифни юқори деб ёки унинг қўлланилиши хоҳлаган бошқа тайинланган авиакорхонага жиддий зиён етказиши мумкин бўлган рақобатчиликка қарши ҳаракатларни келтириб чиқаради деб ҳисобласагина амалга оширилиши мумкин.

6. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмурияти бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси томонидан таклиф этилган тарифни юқори деб ёки унинг қўлланилиши хоҳлаган бошқа тайинланган авиакорхонага жиддий зиён етказиши мумкин бўлган рақобатчиликка қарши ҳаракатларни келтириб чиқаради деб ҳисобласа тариф олинган кундан бошлаб 20 кун ичида бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурияти билан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Ушбу маслаҳатлашувлар сўров олинган кундан бошлаб 21 кун ичида ўтказилиши лозим ва агарда ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари бу муддатни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишмаса тариф ушбу муддат тугаши билан кучга киради.

7. Агарда тариф юқорида кўрсатилган низомларга кўра кучга кирган бўлса ва Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмурияти бу низомларни қайсидир тайинланган авиакорхонага жиддий шикаст етказадиган низомлар деб ҳисобласа, ушбу Аҳдлашувчи Томонлар бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурияти билан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин.

8. Мазкур модданинг низомларига мувофиқ белгиланган тарифлар мазкур модданинг низомларига мувофиқ янги тарифлар белгилангунига қадар ўз кучида қолади.

#### **10-модда**

#### **Гувоҳнома ва лицензияларни тан олиш**

Аҳдлашувчи Томонлардан бири тарафидан берилган ёки яроқли деб топилган ҳамда амал қилиш муддати тугамаган парвозларга яроқлилиқ ҳақидаги гувоҳномалар, фойдаланувчининг шаҳодатномалари ва лицензиялари шартлашилган қатновларни амалга ошириш мақсадида агарда бу каби шаҳодатномалар ёки лицензиялар Конвенцияга мувофиқ белгиланган минимум нормаларга тенг ёки улардан юқори даражада берилса ва яроқли деб белгиланса бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан яроқли деб топилади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан ўзининг фуқароларига берилган парвозларга яроқлилиқ ҳақидаги гувоҳномалар ва лицензияларни агар уларнинг эгалари ўз ҳудуди устидан парвозларни амалга оширган ҳолатларда яроқли деб топмаслик ҳуқуқига эга.

**11-модда**  
**Аэропорт йиғимлари**

Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига бир хил халқаро ҳаво қатновларида иштирок этувчи ўзининг тайинланган авиакорхонасидан олинаётган аэропорт йиғимларидан юқори бўлган аэропорт йиғимларини юклаши ёки юклашга рухсат бериши мумкин эмас.

**12-модда**  
**Авиация хавфсизлиги**

1. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ ғайриқонуний аралашув хатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир зиммага оладиган ўзаро мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар, ўзларининг халқаро ҳуқуқ доирасидаги умумий ҳуқуқ ва мажбуриятларини чекламаган ҳолда, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш ҳақидаги Конвенция ҳамда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун кучга кирган фуқаро авиацияси хавфсизлигига тегишли бўлган бошқа конвенцияга асосан иш олиб борадилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларининг илтимосига кўра ҳаво кемасини ғайриқонуний тутқун қилиб олишнинг ва ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига нисбатан ҳар қандай бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдидларни олдини олишда бир-бирларига барча зарурий ёрдамни кўрсатадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти томонидан белгиланган ва Конвенцияга киритилган Иловаларда тавсифланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш кўрадилар; ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзида қайд этилган ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан ёки асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан ва ўзларининг ҳудудларидаги аэропортларнинг маъмуриятларидан бундай авиация хавфсизлигининг қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар. Мувофиқ ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни ўзининг миллий қоидалари ва тартиблари ҳамда юқорида кўрсатилган авиация хавфсизлиги талаблари қоидалари ўртасидаги ҳар қандай тафовут ҳақида хабардор қилиши лозим. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири истаган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томон билан ҳар қандай шу каби тафовутларни муҳокама этиш учун тезда маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қила олади.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томон ундан ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан ўзининг ҳудудига кириши учун кўзланган авиация хавфсизлиги бўйича талабларга риоя этишни талаб қила олишига ҳамда ўз ҳудуди доирасида ҳаво кемаларни кўриқлаш, ҳаво кемаларнинг кўнишидан олдин ва кўниш вақтида ёки юклашда йўловчилар ва уларнинг юклари, экипаж аъзолари, юк ва сахн захираларини текшириш учун зарур чора-тадбирларни кўришга ўз розилигини билдиради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг,

башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

5. Башарти, фуқаро ҳаво кемасини тутқун қилиш ҳодисаси ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига аэропортлар ва аэронавигация воситаларига бошқа ғайриқонуний хатти-харакатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллатиш орқали бир-бирларига кўмак берадилар ва бундай ҳодиса ёки таҳдидга жадал ҳамда бешикаст барҳам бериш учун барча зарур чора-тадбирларини кўрадилар.

6. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон хабарномани олгандан кейин 60 кун ичида (авиация маъмуриятлари ўртасида келишиб олиниши мумкин бўлган бошқа қисқа муддат ичида) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида парвозларни бажараётган томон тарафидан амалга оширилаётган ёки оширилиши режалаштирилган биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан учиб кетиш ёки шу ҳудудга учиб келиш билан боғлиқ хавфсизлик чораларини баҳолашни ўтказишга ҳақлидир. Баҳолашни ўтказиш бўйича маъмурий чоралар авиация маъмуриятлари ўртасида келишиб олиниши ҳамда баҳолаш зудлик билан ўтказилиши учун бошқа вақтга қолдирилмасдан амалга оширилиши лозим.

7. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бирида бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг қоидаларини бузгани тўғрисида оқилона асос бўлса биринчи Аҳдлашувчи Томон маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Ушбу маслаҳатлашувлар исталган бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан бу каби сўровнома олинган кундан бошлаб 15 кун ичида бошланиши лозим. Агарда маслаҳатлашувлар бошланган кундан бошлаб 15 кун ичида қониқарли хулосаларга келинмаса, бу бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналарининг ҳуқуқларини рад этиш, бекор қилиш ёки тўхтатишга асос бўлади. Агарда зарур бўлса ёки мазкур модданинг низомларига амал қилинмасликни келгусида тўхтатиш учун биринчи Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда вақтинчалик тадбирларни қўллаши мумкин.

### **13-модда**

#### **Авиация хавфсизлиги**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон истаган вақтда аэронавигация воситалари, экипаж аъзолари, ҳаво кемаси ва ҳаво кемасидан фойдаланишга тааллуқли соҳаларда бошқа Аҳдлашувчи Томон бажарадиган парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларга тегишли бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлар ўтказишни талаб қилиши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар мурожаат этилган кундан эътиборан ўттиз (30) кун давомида ўтказилади.

2. Агар бундай маслаҳатлар ўтказилганидан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон бошқа бир Аҳдлашувчи Томонни биринчи бандда кўрсатилган Халқаро фуқаро авиация ҳақидаги Конвенцияга мувофиқ белгиланган стандартларга парвозлар хавфсизлиги нормаларига самарали риоя қилмаяпти ва бошқармаяпти деб топган тақдирда (Doc 7300), бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай камчиликлар ва ИКАО стандартларига мувофиқ чора-тадбирларни кўриши кераклиги тўғрисида хабардор этилиши шарт. Бундан сўнг бошқа Аҳдлашувчи Томон келишилган вақт давомида хатоларни тўғриловчи тегишли чора-тадбирларни кўради.

3. Конвенциянинг 16-моддасига мувофиқ яна шундай келишувга эришилдиким, бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ёки унинг номидан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан ёки унинг ҳудудига парвозни амалга ошираётган ҳаво кемаси, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлган вақтида пар-

возни сабабсиз кечиктиришга йўл қўймаслик шarti билан, бошқа Ахдлашувчи Томоннинг ваколатли вакиллари текширувидан ўтказилиши мумкин. Конвенциянинг 33-моддасида кўрсатилган мажбуриятларга асосланмай, ушбу текширув мақсади ҳаво кемасининг ҳужжатлари ва экипаж аъзолари гувоҳномаларининг амал қилиш муддати, шунингдек ҳаво кемаси мосламалари ва ҳолати ўша вақтда Конвенцияга мувофиқ ҳолатда бўлиши ҳисобланади.

4. Агар авиақорхона парвозлари хавфсизлигини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши лозим бўлса, ҳар бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томон тайинланган авиақорхонаси ёки авиақорхоналарига берилган парвозларни амалга ошириш рухсатномасини вақтинча тўхтатиши ёки ўзгартириши мумкин.

5. Бир Ахдлашувчи Томоннинг юқоридаги 4-бандга мувофиқ амалга оширадиган ҳар қандай хатти-ҳаракати, мазкур чора-тадбирларни кўришга асос йўқ қилинган вақтдан эътиборан давом эттирилиши мумкин эмас.

6. Юқоридаги 2-бандга асос тариқасида бундан буён бир Ахдлашувчи Томон ИКАО стандартларига риоя этмасликни давом эттирса, келишилган вақт муддати ўтиб кетганидан сўнг бу ҳақда ИКАО Бош котиби хабардор этилиши лозимлиги белгиланди. Шунингдек, Бош котиб мазкур ҳолатга бундан кейинги қоникарли барҳам берилиши тўғрисида ҳам хабардор этилиши лозим.

#### **14-модда** **Маблағларни ўтказиш**

— Ҳар бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томон тайинланган авиақорхоналарига авиақорхонанинг истаги бўйича хоҳлаган мамлакатга авиақатновларни сотишдан ва ҳаво алоқалари билан боғлиқ фаолиятлардан олинган ва маҳаллий харажатлардан ортиқ бўлган авиақорхонанинг талаби бўйича барча маҳаллий даромадларни пул ўтказиш кундаги курс бўйича чегараланмаган, камситилмаган ёки солиққа тортилмаган ҳолда ўтказиш ҳуқуқини беради. Бу ҳолда бошқа Ахдлашувчи Томон авиақорхонасининг мазкур моддада кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқлари чегараланмаслиги шarti билан даромад олинган Ахдлашувчи Томоннинг валюта алмашувини тартибга солувчи қонун ва қоидалари қўлланилади.

+

#### **15-модда** **Ахборотлар ва статистика маълумотлари**

Бир Ахдлашувчи Томоннинг авиация маъмурияти бошқа Ахдлашувчи Томон авиация маъмуриятининг талаби бўйича биринчи Ахдлашувчи Томон тайинланган авиақорхонаси томонидан келишилган қатновларда амалга ошириладиган ташувларнинг ҳажмини аниқлаш мақсадида оқилона даражада сўралиши мумкин бўлган шу каби даврий ёки бошқа статистик маълумотларни тақдим этади. Бу каби ахборотлар ушбу тайинланган авиақорхона томонидан келишилган қатновларда амалга ошириладиган ташувлар ҳажмини белгилаш учун зарур бўлган барча маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

#### **16-модда** **Маслаҳатлашувлар**

Ҳар бир Ахдлашувчи Томон истаган вақтда мазкур Битимга алоқадор барча масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Ушбу маслаҳатлашувлар, агар ҳар иккала Ахдлашувчи Томон ўртасида бошқа муддат келишиб



олинмаса, бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан сўров олинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

**17-модда**  
**Баҳсларни ҳал қилиш**

1. Мазкур Битимни изоҳлаш ёки қўллаш натижасида Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келиб чиқадиган ҳар қандай баҳс энг аввало ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилиниши лозим.

2. Агар Аҳдлашувчи Томонлар ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ музокаралар ўтказиш йўли билан келишувга кела олмасалар, баҳс дипломатик каналлар орқали ёзишмалар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

**18-модда**  
**Ўзгартиришлар**

1. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг исталган қоидаларини ўзгартиришни лозим топса, у исталган пайт бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Бу каби маслаҳатлашувлар сўров олинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

2. Мазкур Битимга ҳар қандай ўзгартириш, агар у Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишилган бўлса, дипломатик каналлар орқали ноталар алмашинуви йўли билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

**19-модда**  
**Кўп томонлама Конвенция**

Агар ҳар икки Аҳдлашувчи Томонга алоқадор ҳолда ҳаво алоқалари тўғрисида Конвенция кучга кирса, ушбу Конвенциянинг қоидалари устувор ҳисобланади. Мазкур Битимнинг 16-моддасига мувофиқ маслаҳатлашувлар кўп томонлама Конвенция қоидаларининг мазкур Битимга таъсири доирасини аниқлаш мақсадида ўтказилиши мумкин.

**20-модда**  
**Битимнинг амал қилишини тўхтатиш**

Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш истагида эканлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)га ҳам юборилади. Агар бу каби хабарнома берилса, бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олган кундан эътиборан ўн икки (12) ой ўтганидан сўнг, агар, Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги хабарнома бу муддат тугагунига қадар Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилигига биноан орқага қайтариб олинмаса, Битимнинг амал қилиши тўхтатилади. Агар бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти хабарнома олганидан

сўнг ўн тўрт (14) кун ўтгач бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган деб ҳисобланади.

**21-модда**  
**Рўйхатдан ўтказиш**

Ушбу Битим ҳамда 18-моддага мувофиқ ҳар қандай ўзгартиришлар Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотида (ИКАО) рўйхатдан ўтказилади.

**22-модда**  
**Битимнинг кучга кириши**

Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради.

Тегишли тартибга мувофиқ ўзларининг ҳукуматларидан ваколат олган қуйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб ушбу Битимни имзоладилар.

Сингапур шаҳрида 2007 йил 25 январда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

Илова

**Мунтазам ҳаво қатновлари**  
**Йўналишлар жадвали I**

Ўзбекистон Республикасининг тайинланган авиақорхоналари томонидан амалга ошириладиган йўналишлар

<b>Жўнаш манзиллари</b>	<b>Оралиқ манзиллар</b>	<b>Сингапурдаги манзиллар</b>	<b>Ташқаридаги манзиллар</b>
Ўзбекистондаги манзиллар	Хоўлаган оралиқ манзиллар	Сингапур	Хоўлаган ташқаридаги манзиллар

**Йўналишлар жадвали II**

Сингапурнинг тайинланган авиақорхоналари томонидан амалга ошириладиган йўналишлар

<b>Жўнаш манзиллари</b>	<b>Оралиқ манзиллар</b>	<b>Ўзбекистондаги манзиллар</b>	<b>Ташқаридаги манзиллар</b>
Сингапурдаги манзиллар	Хоўлаган оралиқ манзиллар	Ўзбекистондаги манзиллар	Хоўлаган ташқаридаги манзиллар

Эслатма:

1. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиақорхонаси бир ёки барча парвозларни амалга ошириш чоғида исталган вақтда юқорида кўрсатилган манзиллардан хоҳлаган бирида тўхтамасдан ўтишлари мумкин.

2. Ҳар бир Ахдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида ўз парвозларини амалга оширишни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғиз  
Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-  
кетишлари тўғрисида  
БИТИМ**

*Тошкент, 2006 йил 3 октябрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 9 январдаги ПҚ-557-сон\* Қарори билан тасдиқланган*

*(2007 йил 12 февралдан кучга кирган)\*\**

+

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғиз Республикаси Ҳукумати,  
бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

икки қардош давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштиришга ҳамда  
ўз мамлакатларининг фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга интилиб,

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида абадий дўстлик  
тўғрисида 1996 йил 24 декабрда имзоланган Шартнома қоидаларига амал қилиб,

иккала давлат фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тартиби ва шартларини  
йўлга қўйиш мақсадида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Бир Томон давлатининг фуқаролари ушбу Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрса-  
тиб ўтилган ҳақиқий ҳужжатлар бўйича ва ушбу Битимда кўзда тутилган шартлар-  
га мувофиқ визасиз 60 суткагача бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чи-  
қишлари, транзит ўтишлари ҳамда унда вақтинча бўлишлари мумкин.

Томонлар давлатларнинг фуқаролари 60 суткадан ортиқ муддатга Томонлар  
давлатлари ҳудудларига кириш ва у ерда бўлишни кўзласалар, олдиндан визаларни  
Томонларнинг қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда расмийлаштирадilar.

**2-модда**

1. Бир Томон давлатининг ҳақиқий дипломатик, хизмат ва миллий паспортига  
эга ва дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда халқаро ташки-  
лотлар ваколатхоналари хизматчилари ҳисобланадиган, бошқа Томон давлати ҳуду-

\* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 7-модда.

\*\* Қирғиз Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 2 февралдаги ички процедура-  
ларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бўлган 011-11/125-сонли нотаси.

дида бўлган фуқаролари киришдан кейин Томонлар қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда аккредитацияни расмийлаштирадилар ва аккредитация муддати давомида визасиз у ерда бўладилар.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидаларида белгиланган гуруҳ фуқаролари билан уларнинг бошқа давлат ҳудудида бўлиб туриш даврида бирга яшайдиган оила аъзолари (эр/хотин ва вояга етмаган болалар)га ҳам татбиқ этилади.

### **3-модда**

Томонлар халқаро алоқалар учун очиқ бўлган ўтказиш пунктлари орқали ҳақиқий ва Томонлар давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган, чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга Томонлар давлатлари фуқароларини учинчи давлатларга ўтказишга мажбур ва Томонларнинг ваколатли органлари томонидан чиқиш тақиқланган шахсларнинг учинчи давлатларга чиқиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрадилар.

### **4-модда**

Томонлар ушбу Битим қоидаларини қўллашга тааллуқли масалалар ҳақида, шунингдек эгаларининг шахсини гувоҳлантирувчи ва фуқаролигини тасдиқловчи амалдаги ҳужжатлар, уларни бериш ва ишлатиш тартибидаги ўзгаришлар ҳақида. Томонлар давлатлари ҳудудларига чет эл фуқароларининг кириб келиши қоидалари ҳамда тегишли қонунчилик актлари ҳақида бир-бирларини хабардор қиладилар.

Томонлар ўзаро ёзма розилиқларига асосан мазкур Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатидаги ўзгаришлар юзасидан қарорлар қабул қилишлари мумкин. Бунда, янги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш ҳолатида, Томонлар уларнинг намуналарини дипломатик каналлар орқали уларни кучга кириштишга 30 суткадан кечиктирмасдан алмашадилар.

### **5-модда**

Томонлар мазкур Битимни имзолаганларидан кейин, мазкур Битимнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатларнинг намуналари билан дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

### **6-модда**

Визалар бериш учун консуллик йиғимларининг тариф ставкалари Томонлар томонидан мазкур Битимнинг 3-иловасига кўра ўзаролик шартлари асосида ўрнатилади.

### **7-модда**

Томонлар ўзаролик асосида қўйидаги шахсларни виза беришда консуллик йиғимларидан озод қиладилар:

Томонлар ўртасидаги шартномаларга кўра фан, техника, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алмашиш тартибида кетаётганларни;

Улуғ Ватан Уруши фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахсларни, тегишли гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда 1 ва 2-гуруҳ ногиронларини;

16 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлган фуқароларни;

Таклиф қилувчи ўқув муассасаларининг илтимосномаларига асосан томонлар давлатлари ҳудудларидаги ўқув муассасалари ва ўтказиладиган курсларда ўқийдиганларни.

**8-модда**

Мазкур Битим кучи амал қиладиган иккала Томон давлатлари фуқаролари Томонлардан бири давлат ҳудудларига давлат чегарасини кесиб ўтиш учун мўлжалланган ўтказиш пунктлари орқали киришлари, чиқишлари ва транзит ўтишлари мумкин. Ушбу ҳолда Томонларнинг миллий қонунчилигига кўра, давлат чегараларини кесиб ўтишдаги тартибларга риоя қилиниши керак.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларининг рўйхати алоҳида битимлар билан белгиланади.

**9-модда**

Томонлар давлатлари фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида вақтинча бўлишлари даврида ушбу давлат қонунлари ва қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Хизмат иши юзасидан бир Томон давлати ҳудудида бўлган фуқароларнинг вақтинча пропискаси ва рўйхатга олинishi бошқа Томон давлати ваколатли органи томонидан мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган 1 ва 2-Иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар ҳамда хизмат ва сафар гувоҳномалари асосида бож ва йиғимлар олмасдан амалга оширилади.

Мазкур Битим Томонларнинг бошқа Томон давлатининг уларнинг ҳудудларида бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланадиган фуқароларининг киришларини рад этиши ёки вақтинча бўлиш муддатларини чеклашдаги ҳуқуқларига тааллуқли эмас.

**10-модда**

